

«Солиҳларнинг фазилатлари» китоби индонезия тилига таржима қилинади



16:00 / 21.01.2022 877

Доғистон муфтийси шайх Аҳмад Афандининг қаламига мансуб «Солиҳларнинг фазилатлари» китобини индонезия тилига таржима қилишни режалаштирилган.

Шу мақсадда Наҳдатул Улама (НУ) ташкилотининг Россия ва Шимолий Европадаги вакили Ами Маулана ва унинг ўринбосари Ҳаққ Шауки Аринал Доғистонга ташриф буюрди.

Республика мусулмонларининг маънавий раҳнамоси индонезияликларни илиқ кутиб олди ва Доғистонга ташрифи учун уларга миннатдорчилик билдирди.

Меҳмонлар китобни таржима қилиш учун муҳтарам шайх Аҳмад Афандидан рухсат олмоқчи эканликларини таъкидладилар.

Умид қиламизки, ушбу китоб индонезия тилига таржима қилинса солиҳ салафларимизнинг энг муҳим ахлоқий тамойиллари янада кенгрок аудиторияга тақдим этилади.

Хуршид Маъруф